



## MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-Dekabr 2021  
Ma'qullandi: 15-Dekabr 2021  
Chop etildi: 20-Dekabr 2021

## KALIT SO'ZLAR

интеллектуал,  
фолклор, стратегия,  
маънавият, ривоят,  
достон, эртақ, афсона,  
мақол, атмосфера,  
диаграмма, сўровнама,  
респондет

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохатларнинг мазмуни ёш авлодни маънавий етук, жисмонан соғлом, интеллектуал салоҳиятли баркамол авлод қилиб тарбиялашга қаратилган. Ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта эканлиги ҳаммамизга маълум. Бу эса соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини янада кучайтириш, унинг қамровини кенг олиб бориш ҳамда самарадорлигини ошириш вазифасини қўяди.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг Республикаси  
“Ўзбекистон

## БЎЛАЖАК СПОРТЧИЛАРНИНГ МАЪНАВИЯТИНИ ХАЛҚ ОҒЗАКИ (ФОЛКЛОР) ИЖОДИЁТИ НАМУНАЛАРИ ВОСИТАСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Бахтиёр Холмирзаев<sup>1</sup>, Нодирбек Насимжанов<sup>2</sup>, Дилдора  
Муминова<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Наманган давлат университети ўқитувчиси,

<sup>2,3</sup> Наманган давлат университети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5812701>

## ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада бўлажак спортчиларнинг маънавиятини халқ оғзаки (фолклор) ижодиёти намуналари воситасида ривожлантириш ва жисмоний фазилатларини юксалтириш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижалари, таклиф ва тафсиялар ҳақида фикр юритилган.

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги<sup>1</sup> фармони ва “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [қарорида](#)<sup>2</sup> ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Ўзбекистон Республикасини жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон



вазифалар ижросини таъминлашда ушбу илмий ишимиз ҳам муайян даражада хизмат қилади .

Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-еътиқодини бутун қиладиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир<sup>3</sup>.

Бизнинг назаримизда, “маънавият” тушунчаси ўрганилаётган объект нуқтаи назаридан ҳам индивидуал, ҳам ижтимоий хусусиятни намоён эта олади.

Маълумки миллий меросимизда ватани, халқи учун фидойи бўлган инсонлар, қаҳрамонлиги ёш авлод тарбияси учун муқаддас бир дастури амалдир. Мана шу маънавий меросимизни таркибий қисми халқ оғзаки ижодиётидир. Халқ оғзаки ижодини барча жанрларда халқимизни бой ахлоқий ўғитлари ўз аксини топган. Авлоду ажодларимизнинг қадимги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, урф-одатлари, анъаналари, маданияти, тили, тарихи бадий фалсафий жиҳатдан ўзига хос тарзда акс эттириладиган халқ педагогикаси ниҳоятда бой ва ҳилма-ҳилдир. Халқ педагогикаси халқ оғзаки ижоди билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг манбаи топишмоқ, матал, қўшиқ, эртак, ривоят, афсона, дoston кабилар ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг қадимий воситаларидир.

Халқ оғзаки ижодиётининг намуналари билан танишар эканмиз, халқда воқеаларни олдиндан кўра билувчи ажойиб қобилият ва истеъдод бор эканлигини, у ҳеч қачон орзу умидсиз яшамаганлигини, ҳар доим келажак томон интилганлигини англаб оламиз. Зеро, халқ оғзаки ижоди ўсиб келаятган бола қалбида эзгулик ҳиссиётини уйғотиб, унинг ҳулқини ижобий томонга йўналтиради. Хусусан, бўлажак спортчиларни етук, комил инсон бўлиб етишишларида миллий қадриятимизнинг ўзлиги, халқ оғзаки (фолклор) ижодининг ўрни беқиёсдир. Халқ оғзаки ижоди бўлажак спортчиларнинг маънавиятини шаклланишида муҳим пойдевордир. Шунинг учун илмий мақоламизда халқ оғзаки ижодиётига алоҳида тўхталдик.

БўСМлардаги кичик ёшдаги бўлажак спортчилар учун халқ оғзаки ижодиётини айрим турлари танлаб олинди: дostonлар; эртаклар; ривоятлар; мақоллар; афсоналар.

Тадқиқотимиз давомида БўСМлардаги кичик ёшдаги спортчилар учун ўқилиши шарт бўлган, халқ оғзаки (фолклор) адабиёт намуналари юкламаларини тузиб чиқилди:

<sup>3</sup> Каримов И. “Юксак маънавият – энгилмас куч”. “Маънавият” нашриёти, Тошкент, 2008.



Халқ оғзаки ижоди намуналари ва уларни спортчиларга тафсия этилган вақти				
Достонлар	Эртақлар	Ривоятлар	Мақоллар	Афсоналар
Сентябр-октябрь	Ноябр-декабр	Январ-феврал	Март-апрел	Май-июн
Июль-август				
Такрорлаш ҳафта давомида	Такрорлаш ҳафта давомида	Такрорлаш ҳафта давомида	Такрорлаш ҳафта давомида	Такрорлаш ҳафта давомида

Муаммонинг амалиётдаги мавжуд ҳолатини ўрганиш ва уни ташкил этишда қўлланилаётган восита, усул ва шаклларни илмий асослаш мақсадида Наманган туманидаги Болалар-ўсмирлар спорт мактабининг тарбияланувчи ўқувчи-спортчилар билан 2020-2021 йил мобайнида анкета-сўрови ўтказилди.

Сўровномада 64 нафар ўқувчи-спортчилар иштирок этди.

Респондентларга таклиф қилинган анкета шартли равишда қисмларга бўлинган: респондентлар тўғрисида маълумот ва махсус саволлардан иборат мазмунли қисм.

БЎСМ ўқувчи-спортчилари билан ўтказилган сўровнома ва унинг натижалари.

Маънавият - инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча. “Маънавият” сўзи араб тилига мансуб бўлиб, “маъно” сўзининг жамъини, яъни “моддий бўлмаган нарсалар” маъносини билдиради.

Маънавият – очлик, йўқчиликка гўзал сабрни, жаҳлу нафсни тийиш ва енгишни, хуллас барча иллатларга қарши тура олишни кўрсатади, ўргатади.

Маънавият – инсонни руҳан покляниш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-еътиқодини бутун қиладиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Бизнинг назаримизда, “маънавият” тушунчаси ўрганилаётган объект нуқтаи назаридан ҳам индивидуал, ҳам ижтимоий хусусиятни намоён эта олади.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда қайд этиш лозимки, БЎСМ ўқувчи-спортчиларида маънавиятни шакллантириш узоқ муддатли, тизимли ва изчил ёндашувни талаб этувчи педагогик фаолият жараёнидир. Бу жараён баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий мақсадни амалга ошириш борасидаги яхлит жараённинг муҳим таркибий қисми саналади.

Педагогик йўналишларда ташкил этиладиган тадқиқотларнинг асосида ўрганилаётган муаммонинг амалиётдаги мавжуд ҳолатини ўрганиш, қўлга киритилган далилларни таҳлил этиш, муайян хулосаларга келиш, шунингдек, чиқарилган хулосалар асосида ягона муаммонинг умумий



ҳолатига баҳо беришга йўналтирилган амалий фаолият алоҳида ўрин тутади.

Ўқувчи ёшларда маънавиятни шакллантириш соҳасида ташкил этилган амалий фаолият учун объект (тажриба майдони) сифатида Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари танланди.

Шахснинг маънавиятга эгалик даражасини аниқлаш бир қадар мураккабдир. Бинобарин, шахснинг

намоён бўлувчи барча ҳаракатлари ҳам унинг бу туйғуга эгалигини ифода этавермайди.

Шу нуқтаи назардан БЎСМ ўқувчи-спортчилари билан сўрвнома орқали уларнинг маънавиятини ва китобхонлик маданиятини шаклланганлик даражаси ва китобга бўлган муносабитини ўрганишга ҳаракат қилдик.

### Сўров натижаларини қайта ишлаш учун калит

Жавоблар	Балл кўрсаткичлари				
	№1	№2	№3	№4	№5
а	4	2	2	5	3
б	0	3	3	2	0
с	3	4	4	4	2
д	2	0	5	2	1

### Маънавиятнинг шаклланганлиги даражасини баҳолаш кўлами


Муносабат даражаси	Балл кўрсаткичлари
Юқори	16-21
Ўрта	10-16
Паст	0-10

Тажриба бошида ўтказилган сўрвнома натижалари қуйидагича бўлди:

Респондент ўқувчи-спортчиларда маънавиятнинг шаклланганлик даражасини ўртача коэффитсенти

Т.р	Гуруҳлар	Тажриба аввалида			Коэффитсент
		Юқори	Ўрта	Паст	
1.	Тажриба $n_1=32$	4	5	23	
2.	Назорат $n_2=32$	3	7	22	

Бу кўрсаткичлар диаграммада ифодаланганда қуйидаги кўринишда намоён бўлди:




Тажриба сўнгида ўтказилган сўровнома натижалари қуйидагича бўлди:

Респондент ўқувчи-спортчиларда маънавиятнинг шаклланганлик даражасини ўртача коэффитсенти

Т.р	Гуруҳлар	Тажриба сўнгида			Коеффитсент
		Юқори	Ўрта	Паст	
1.	Тажриба $n_1=32$	15	13	4	
2.	Назорат $n_2=32$	6	8	18	

Бу кўрсаткичлар диаграммада ифодаланганда қуйидаги кўринишда намоён бўлди:



Ўқувчи-спортчилар билан сўрвнома орқали китобхонлик маданиятини шаклланганлик даражаси ва китобга бўлган муносабитлари тадқиқот бошида қуйи эди ва китобхонликни ўзида мужассам этган янги ишлаб чиқилган маънавий маърифий режа асосида ўтказилган тадбирлар ва тавсия этилган бадиий адабиёт намуналари мутолааси натижасида кўрсаткичлар кескин ошганини кўришимиз мумкин.

1. “Алпомиш” достонида Барчин алпларга нечта шарт қўяди?

А. 4 та. Б. 3 та. С. 6 та. Д. 2 та

2. Ҳинд шоҳи Рай Ропой Чўпани ўлимдан қутқариб, мардлик ва жасорат кўрсатган, эвазига хоразмлик ватандошларини асирликдан озод этиб, ватанга қайтишларида жонбозлик кўрсатган паҳлавон ким?

А. Паҳлавон Маҳмуд. Б. Амир Темур. С.Захриддин Муҳаммад Бобур. С. Жалолиддин Мангуберди.

3. Ёлғиз йигит алп бўлар, Алп бўлса ҳам, ... бўлар. Нуқталар ўрнига тўғри жавобни қўйинг? А. мард Б. жасур

С. қалп Д. қурқмас

4. Ривоятларда келишича Амир Калон ким бўлган?

А. тош кесар. Б. камончи. С. улоқчи. Д. курашчи.

5. У ўн тўртга киргунча илм-хунар, касб-камолот ҳосил қилиб, ўн тўртдан ўтгандек кейин сипоҳлик ишларига юз келтириб, қилич чопмоқ, милтиқ отмоқ, найзадастлик, кўпкаритозлик,...қилиб, юрар эди. Бу тарифф кимга берилган?

А. Паҳлавон Муҳаммад Молонийга. Б. Кунтуғмишга. С. Рустамхонга. Д. Алпомишга.

6. “Дунёдан бир кам тўқсон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи ...” ким эди?

А. Рустам Достон. Б. Алпомиш. С. Фарҳод. Д. Гўроғли



Саволлар	Тадқиқот бошида %		Тадқиқот сўнгида %	
	Тўғри жавоб	Нотўғри жавоб	Тўғри жавоб	Нотўғри жавоб
1-савол	5	95	80	20
2-савол	9	97	91	9
3-савол	8	92	86	24
4-савол	0	100	93	7
5-савол	30	70	83	26
6-савол	7	93	89	21

Маънавий тафаккур онгда, жисмоний тафаккур танада. Иккисини руҳ тарбиялайди. Маънавиятни ва жисмоний ҳаракатларни онг бошқаради. Маънавият ва куч – илмда. Демак спортчи маънавий ва жисмоний ҳаракатни узлуксиз олиб бормоғи лозим. Маънавий сифатни юксалишида эса, халқ оғзаки ижоди ўрни беқиёслигини юқоридаги тажрибамизда исботлаб бердик. Хулоса қилиб айтганда ўтказилган тадқиқотимиз натижаси ижобий томонга йўналди. Бўлажак спортчиларда маънавий томонга ўсиш кузатилди. Тадқиқотимиз бошланиш жараёнида спортчилардаги ҳолат ўта пассиф даражада эди. Биз талқин қилган илмий изланишлар, спортчиларга тақлиф қилган адабиётларимиз спортчи маънавиятини шаклланишига алоҳида тўртки бўлди. Буни исботи юқоридаги олиб борилган сотсиометрик текширувларда намоён бўлди.

Юқоридаги таҳлиллар натижасида хулоса ва тақлифлар қилишимиз мумкин:

1. БўСМларда тахсил олаётган спортчиларда кўзга ташланаётган камчиликларни бартараф этиш учун машғулотлар учун шароитларни тўлиқ яратиш ва шу асосда машғулот сифатини кўтариш, маънавий маърифий соҳада олиб борилаётган ишларни умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликда бир-бирини изида ташкил этиш зарур.

2. БўСМлар маънавий маърифий ишларини такомиллаштириш, унинг таркибига ноанъанавий усулларни тадбиқ этиш

3. Мураббийлар ва ўқувчи-спортчилар китоб мутолааси учун бадий адабиётларни ёшга мос ҳолда саралаш ва шароит яратиш

4. Ўқувчи-спортчиларни маънавий тарбиясини сунъий яратилган шароитларда синаб кўриш ва назоратга олиш зарур.

5. Бўлажак спортчиларни маънавиятини шакллантириш учун маънавий материаллар базаси платформасини яратиш.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:



1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармон // [lex.uz](http://lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон қарори // [lex.uz](http://lex.uz).
3. Каримов И. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. “Маънавият”нашриёти, Тошкент- 2008. –Б.24